

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК
ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РУЗМЕТОВА ДИЛФУЗА ТУЛИБАЕВНА

**ҚОҒОНОҚ ПАРДАСИНИНГ ТУҒРУҚДАН ОЛДИН ЭРТА ЁРИЛИШИ
БЎЛГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ДИАГНОСТИК ВА ПРОФИЛАКТИК
УСУЛЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рузметова Дилфуза Тулибаевна

Қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилиши бўлган
ҳомиладорларда диагностика профилактик усулларни
оптималлаштириш..... 3

Рузметова Дилфуза Тулибаевна

Оптимизация диагностических и профилактических методов ведения
беременных с преждевременным разрывом плодных оболочек..... 23

Ruzmetova Dilfuza Tulibaevna

Optimization of diagnostic and preventive methods of management of
pregnant women with premature rupture of membranes..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РУЗМЕТОВА ДИЛФУЗА ТУЛИБАЕВНА

**ҚОҒОНОҚ ПАРДАСИНИНГ ТУҒРУҚДАН ОЛДИН ЭРТА ЁРИЛИШИ
БЎЛГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ДИАГНОСТИК ВА ПРОФИЛАКТИК
УСУЛЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib816рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг www.akusherstvo.uz «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матякубова Саломат Александровна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ниязметов Раҳматулла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Зуфарова Шахноза Алимжановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/05.06.2020.Tib.114.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50.e-mail: info@uzaing.uz ва www.akusherstvo.uz Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани Мирзо Улуғбек кўчаси, 132а-уй.. Тел./факс: (371) 263-84-83, (371) 263-47-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А.Алиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.М.Файзырахманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари номзоди

Ф.М.Аюпова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қоғоноқ сувларининг эрта кетиши (ҚСЭЖ) – ҳомиладорликнинг муддатидан олдин туғрукка (МОТ) олиб келувчи асорати бўлиб, она ва бола саломатлигини ҳимоялашнинг муҳим муаммоси саналади. Қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши (ҚПТОЭЁ) перинатал инфекция билан узвий боғлиқ бўлиб, неонатал сепсис хавфини, юқори перинатал ва гўдаклар ўлими ҳамда онада йирингли-септик асоратлар хавфини 10 марта оширади. Кейинги вақтда ҚПТОЭЁ билан асоратланган муддатига етмаган ҳомиладорликни узоқ давом килдириш тактикаси перинатал натижани яхшилашга имкон бериши тан олинган. Шу билан бирга, онада юқумли жараён юзага келиш хавфи кейинчалик аёлнинг ўлимига олиб келиши мумкин бўлган хориоамнионит ва септик ҳолатлар ривожланиши ҚПТОЭЁ фонида ҳомиладорликни узайтиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишга мажбур қилади. «...Қоғоноқ сувларининг эрта кетиши хавф омиллари ва ташхис мезонларини аниқлаш ижтимоий ва этик меъёрларни эътиборга олган ҳолда самарали прогностик ва олдини олиш чораларни ишлаб чиқишда муҳим шарти саналади...»¹. Ҳомиладорлик мутаносиб тактикасини танлашда мураккаб масалалардан бири ҳомиладорликни узайтиришда инфекция хавфи нисбати, туғруқни ҳал қилишда муддатидан илгари туғилиш хавфи билан боғлиқ.

Бутун дунёда қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилишида ҳомиладорлар юритиш диагностик ва профилактик усулларини қулайлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр ўзига хослигини ҳамда септик асоратлар ривожланиши бўйича хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида клиник-лаборатор текширувни амалга ошириш ва прогностик матрица ишлаб чиқиш мақсадида йирингли-септик асоратлар ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан иборат. Қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан ҳомиладорларда витамин D миқдори ҳамда, қин микробиоценози эрта диагностик қийматини баҳолаш, қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилишида ҳомиладорликни юритиш қулай тактикасини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш жумладан аёллар орасида акушерлик ва гинекологик касалликларини камайтириш мақсадида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва

¹Fortunato S. J. Screening of novel matrix metalloproteinases (MMPs) in human fetal membranes// - 2014; 19 (10). - p 483–486.

касалликларни олдинини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аёллар орасида гинекологик касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни кўллашни такомиллаштириш орқали ҳомиладорларда турли касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий акушерлик муаммолари орасида қоғоноқ сувларининг эрта кетиши каби туғруқ асорати етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Адабиёт манбаларининг маълумотларига кўра, қоғоноқ сувларининг эрта кетиши тарқалиши 3 дан 19% гачани ташкил этади. Курносенко И.В. ва бошқа муалифлар (2018) таъкидлашича, қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши 42,2% ҳолатларда вақтидан илгари туғруқнинг сабаби бўлиб хизмат қилади, муддатидан олдин туғруқларнинг кечишини 19,95% асоратлайди. Қоғоноқ сувларининг эрта кетиши масаласи кўп сонли тадқиқотларда келтирилганидек, унинг сабаби етакчи омили инфекция ҳисобланишига қарамай, охиригача ўрганилмаган (Аржаева И.А., 2016). Князева А.Т. (2016) қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши сабаби ҳисобланадиган яллиғланишдан қатъи назар, томир эндотелий омили ошиши мавжудлиги, яллиғланиш эса қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилишидан кейин юзага келади, деган фикрга келишган. Baldwin E.A. et al. (2016) ҳомиладорлик даврида жинсий йўллардаги морфо-функционал, физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар қин микрофлорасини бир турда бўлишига, лактобактериялар устунлигига олиб келади, бунда ҳомилани туғруқ йўлларида ўтганда шартли-патоген микроорганизмлар билан ифлосланиш

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

эхтимolini камайтиради. Бироқ туғруқ қин микрофлораси сифат ва миқдорий таркиби сезиларли ўзгаришларига олиб келади. Спора ҳосил қилмайдиган граммусбат қатъий анаэроблар (асосан бактериоидлар), эшерихиялар сони сезиларли ўсади, лактобактериялар ва бифидобактериялар сони камаяди. Нормал қин микрофлораси бузилиши эндометрит каби инфекция асорат ривожланишига олиб келади. Демак, бунда ҳомила ва онанинг зарарланиш имконияти ошади.

Бу муаммо билан Исмаилова С.С.(2014), Муминова Н.Х.(2018), Рузиева Н.Х.(2019) каби маҳаллий олимларимиз ҳам шуғулланган бўлиб, улар ҳомила қобиғининг эрта ёрилиши фонига эрта туғруқ, кўпинча она билан бирга ҳомилада ҳам септик ҳолатлар туфайли мураккаблашишини аниқлаганлар.

Ушбу муаммони ўрганиш муҳимлиги шундаки, сувсизлик ораликни ошганида туғруқни умумқабул қилинган тактикаси мавжуд эмас. Туғаётган аёллар организмни ҳар томонлама ўрганишсиз қоғоноқ сувларининг эрта кетишида инфекция-яллиғланиш асоратлари ривожланиши қонуниятларни аниқлаш ва даволаш-профилактика тадбирларини илмий асослаш имконсиз. Ҳозирги вақтда антибактериал препаратларни профилактик таризда тавсия этиш самарадорлигини ва сувсизлик оралиғи ошганда туғруқни ҳал қилиш усулини танлаш бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Шунинг учун, маҳаллий тиббиёт илмий ва амалий соғлиқни сақлаш бирламчи вазифаси туғаётган аёллар ва янги туғилган чақалоқларда инфекция асоратларни камайтириш мақсадида туғруқни юритиш тактикасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг бажарилганлиги, олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали илмий-тадқиқот ишлари №01980006703 «Инсон патологиясининг иммуномикробиологик, тиббий-ижтимоий жиҳатлари хусусиятларини ўрганиш ва юқумли ҳамда юқумсиз касалликларнинг диагностикаси ва олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси (2018–2021) мавзуси режасига мувофиқ бажарилган (2016-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан ҳомиладорларда кутувчи тактикада прогностик матрица ва септик асоратларнинг эрта диагностик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда ҳомиладорлик кечиши, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр ўзига хослигини ҳамда септик асоратлар ривожланиши бўйича хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида клиник-лаборатор текширувни амалга ошириш;

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда прогностик матрица ишлаб чиқиш мақсадида йирингли-септик асоратлар ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши бўлган ҳомиладорларда витамин D миқдори ҳамда қин микробиоценози эрта диагностик қийматини баҳолаш;

қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилишида ҳомиладорликни юритиш қулай тактикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда йирингли-септик асоратлар ривожланишига ҳамда ҳомиладорлик кечиши ва якунига таъсир қилувчи 510 та туғруқ тарихи тахлил қилинган. ҚПТОЭЁ билан Хоразм вилоят перинатал маркази туғруқ бўлимига мурожаат қилган 129 та ҳомиладорда текширув ишлари олиб борилган.

Тадқиқотнинг предмети: туғруқ тарихи, ҚПТОЭЁ билан ҳомиладор аёллар бўлган.

Илмий тадқиқот усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, биокимёвий, инструментал текшириш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорларда Қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилишида йирингли-септик асоратлари ривожланиш хавф омиллари ўрганилган, улар асосида хавф гуруҳини ажратиш билан прогностик матрица яратилган;

ҳомиладорларда витамин D кам миқдори ва қин микробиоцинози номутаносиблигининг ривожланиши, корреляцион ўзаро боғлиқлик даражаси ўрганилган, ҳамда ҚПТОЭЁ да йирингли-септик асоратлар ривожланишида витамин D кам миқдори патогенетик роли исботланган;

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда қин микробиоцинози ўзгариши Streptococcus spp., Staphylococcus spp ва Entero-bacteriaceae персистенцияси билан боғлиқлиги она ва болада туғруқдан кейинги даврда йирингли-яллиғланиш жараёнларини ривожланиши сабаби бўлиши исботланган;

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда кутувчи-фаол тактикада витамин D ва қин микробиоценозини яхшиловчи вагинал шамчалари буюрилганда витамин D ва қин шамчаларининг клиник самарадорлиги ва хавфсизлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник-анамнестик маълумотлар асосида ҚПТОЭЁ ривожланиш хавфи омиллари исботланган;

ҚПТОЭЁ да ҳомиладорларда фаол-кутувчи тактика алгоритми ишлаб чиқилган;

ҚПТОЭЁ билан беморларни фаол-кутувчи тактика ўтказиш учун танлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

ҚПТОЭЁ да фаол-кутувчи тактикага қўшимча витамин D ва қин микрофлорасини яхшиловчи вагинал шамчалар қўллаш схемаси тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўйилган масалаларга етарлича замонавий ташхис усулларининг қўлланиши, клиник материалнинг етарли миқдори, тиббий статистик усулларидан фойдаланиб, олинган натижаларнинг тахлили тиббий статистик усуллардан фойдаланиш билан белгиланади. Хулосалар, олинган натижаларга асосланган ҳолда, йиғилган маълумотлар маҳаллий ва чет эл тадқиқотчилари маълумотлари билан кенг муҳокама қилинади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, ҚПТОЭЁ да

ҳомиладорларда витамин D ва қин микробиоценозининг патогенетик аҳамияти, клиник, прогностик қиймати фаннинг турли соҳаларида, амалий тиббиётда ва ўқув жараёнида, жумладан акушерлик ва гинекологияда, биокимё, клиник иммунологияда қўлланиши мумкин.

Касалликни ташхиси, даволаш ва башоратнинг тавсия қилинган усуллари ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда йирингли-септик асоратларни камайтиришга, уларни тўлақонли ҳаётга, жумладан, репродуктив функцияни қайтаришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ҳомиладорликда қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан аёлларда йиринг-септик асоратларни башоратлаш ва олдини олишни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қоғоноқнинг туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан ҳомиладорларда септик асоратларнинг ривожланишини башоратлаш услуби» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-р/404-сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижалари қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан асоратланган муддатига етмаган ҳомиладорликда беморларни юритиш тактикаси самарадорлигини оширишга ҳамда ҳомиладорлар, туғаётган ва янги туққан аёлларда асоратлар ва летал якуний частотасини камайтиришга имкон берган.

Ҳомиладорликда қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан аёлларда йиринг-септик асоратларни башоратлаш ва олдини олишни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар Бухоро ва Нукус перинатал марказининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/173-сон маълумотномаси). Жорий қилиш натижалари қоғоноқ пардасини туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан асоратланган муддатига етмаган ҳомиладорликда беморларни юритиш тактикасини самарадорлигини оширишга ва ҳомиладорлар, туғаётган ва янги туққан аёлларда асоратлар частотасини ва летал якуний частотани камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қоғонок пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилиши: келиб чиқиши, патогенез, ҳомиладорлик ва туғруқни юритиш тактикаси»** деб номланган биринчи бобда диссертация мавзуси бўйича чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган илмий тадқиқот шарҳлари баён қилинган. Асосий эътибор ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорликни кечишини олдиндан башоратлашга, ўрганилаётган патологияда инфекцион омил ва витамин Д билан организмни таъминланганлигини инобатга олган ҳолда ҳомиладорликни ва туғруқни олиб боришда оптимал усулларга қаратилган.

Диссертациянинг **«Қоғонок сувларининг эрта кетиши ва муддатдан олдин туғруқ хавфи билан ҳомиладор аёлларда клиник материал ва текширилган усуллар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобда Хоразм перинатал маркази базасида, ҳамда ТТА МИТЛ базасида ўтказилган тадқиқот ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда олдимизга қўйилган масалани ҳал этиш учун тадқиқот бир неча босқичда амалга оширилган. ҚПТОЭЁ частотаси, структураси ва хавф омилларини аниқлаш мақсадида тадқиқотнинг биринчи босқичида биз 2018-2019 йй.да ВПМ да бўлган 5517 та ҳомиладорнинг касаллик тарихини ретроспектив таҳлилини амалга оширдик, улардан 510 нафари ҚПТОЭЁ 28-36 ҳафта гестацияда бўлган. ҚПТОЭЁ ривожланиш фоизи 9,2% ни ташкил этган.

ҚПТОЭЁ кутувчи тактикаси билан 510 туғруқ тарихини ретроспектив таҳлилида биз 92 нафар ҳомиладорда кутувчи тактикада у ёки бу асоратлар юзага келганини аниқладик, бу эса 18,0% ни ташкил этган.

У ёки бу хавф омиллини баҳолаш ва ўрнатиш учун ҳомиладорлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ – 1чи гуруҳ 418 аёл ташкил этган септик асоратлари кузатилмаган, уларга узок муддат сувсиз ораликда ҳомиладорликни узайтириш амалга оширилди, унинг сувсизлик муддати 48 соатдан юқори ташкил этди, 2чи гуруҳ ҚПТОЭЁ фонидида септик асоратлар кузатилган 92 нафар аёл киритилган.

Касалхонага ётқизилганда барча ҳомиладорларга комплекс клиник-лаборатор текширув, қин флораси микроскопик таҳлили ва цервикал канал таркибининг антибактериал дори воситаларга сезувчанлик билан бактериологик экмаси амалга оширилди.

ҚПТОЭЁ ни аниқлашда ҳомиладорлар кўпроқ қуйидаги шикоятларни кузатишган: анамнезида тез-тез стресс, зарарли одатлар, касбий зарарлар, 18

дан 37 ёшгача, анамнезида эрта токсикозлар, ҳомиладорликни тўхташ хавфи, преэклампсия, кам сувлик, кўп сувлик анамнезида эклампсия, гестациянинг кичик муддатларида анамнезда ҚПТОЭЁ ва соматик сурункали касалликлар (ССК). Барча ўрганилган ҳавф омилларни эътиборга олиб, туғруқ тарихида мавжуд бўлган ҳомиладорларнинг анамнези маълумотларини ўз ичига олган матрица тузилган.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида ҚПТОЭЁ билан 129 нафар аёл бевосита кузатув ва текширувга жалб қилинган. Ҳомиладор аёллар тадқиқотга мурожаатлари бўйича киритилган. Клиник-лаборатор текширув маълумотлари, қўйилган ташхис ва тадқиқотга киритиш-чиқариш мезонлари билан мос равишда.

Киритиш мезонлари:

1. ҚПТОЭЁ билан 26 -36 ҳафта муддатидаги ҳомиладорлар;
2. Ҳомиладорлар ёши 18 дан 40 ёшгача;
3. Тадқиқотда қатнашиш бўйича хабардор қилинган розилик.

Чиқариш мезонлари:

1. Гестация муддатлари 26 ҳафтадан кам;
2. Кутувчи тактика танлаш учун қарши кўрсатмалар (хориоамнионит, зудлик; билан туғруқни ҳал қилишни талаб қилувчи ҳомиладорлик асоратлари; преэклампсия/эклампсия, йўлдош кўчиши)
3. Ҳомиладаги декомпенсация ҳолатлари (турли даражадаги бачадон-ҳомила қон оқими бузилиши мавжудлиги);
4. Бачадон ва тухумдонлар аномалияси ва ўсмалари;
5. Истмик- цервикал етишмовчилик;
6. Кўп ҳомилали ҳомиладорлик;
7. Гипертензив ҳолатлар (оғир гестацион гипертензия, преэклампсия);
8. Ҳомила туғма нуқсонлари;
9. Сурункали соматик кассаликлари (юрак қон томир тимизи, нафас олиш тизими, жигар ва буйрак шикастланиши, ирсий, онкологик ва эндокрин касалликлари).

ҚПТОЭЁ ташхисини клиник маълумотлар ва махсус текширув усуллари ёрдамида ўрнатилган, жумладан, йўтал синамаси, микроскопик текширув, қоғоноқ сувларининг ҳажмини амниотик суюқлик индексини (АСИ) аниқлаш билан баҳолаш. Қоғоноқ сувларининг эрта кетиши тасдиқланганда беморларни санитар-эпидемиологик меъёрларга риоя қилинган ҳолда изоляцияланган палаталарга ётқизилган.

Ҳомиладорлар ҳолати мониторинги соматик статусни, қиндан ажратмалар характерини, гемодинамик параметрларни баҳолаш, термометрияни, кундалик клиник қон таҳлилини ўз ичига олган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз йирингли-септик асоратлар ривожланишига боғлиқ витамин D кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан барча текширилган ҳомиладор аёллар орасида (n=129) 2 кичик гуруҳ ажратилган: 1-кичик гуруҳ – септик асоратлар билан 19 ҳомиладор (ҳомиладорлик муддати 24-31 ҳафта

бўлган 11 ҳомиладор, ҳомиладорлик муддати 32-36 ҳафта бўлган 8 ҳомиладор), 2 кичик гуруҳ септик асоратларсиз қоғоноқ парда туғруқдан олдин эрта ёрилиши билан 110 нафар ҳомиладордан иборат бўлган.

Умум клиник текширув усуллари:

текширувга киритилган барча беморларда соматик ва акушер-гинекологик анамнез маълумотлари ўтказилган. Ўтказилган инфекцияланиш касалликларига, прегравидар тайёргарлик ўтказилгани ёки йўқлиги, илгари ҳомиладорлик кечиши ва яқунларига алоҳида эътибор берилган. Анамнезда ривожланмаган ҳомиладорлик, ўз-ўзидан бола ташлаш, қоғоноқ сувларининг эрта кетиши, кўп сувлик эътиборга олинган. Объектив кўрик умумий кўрикни ўз ичига олган, бунда юрак-қон томир, нафас, асаб, овқат ҳазм қилиш ва сийдик ажратиш тизимлари ҳолати баҳоланган.

Функционал текширув усуллари:

Ультратовуш текширув. Ультратовуш текширув ёрдамида (цервикометрия) бачадон бўйинчаси ҳолати ҳамда бачадон бўйинчаси ўзгариши динамикаси: узунлиги ва кенглиги, йўлдош ҳолати ва унинг қон айланиши баҳоланган. Ундан ташқари, йўлдошнинг қалинлиги, етуклик даражаси, локализацияси ва таркиби, қоғоноқ сувлари мавжудлиги ўрганилган. Текширувлар «Aloka 500» (Япония), «Mindray» (Хитой) аппаратлари ёрдамида амалга оширилган. Проспектив текширувда касалхонага келгандаги шикоятлар, сабаблари, муддатидан илгари туғруқ ва ҚПТОЭ таъсир қилувчи сабаблар, туғруқ йўллари ҳолати, ёндош касалликлари таҳлил қилинган. Буйрак ва жигар касалликларида буйрак-жомча тизими ўлчами, тузилиши ва ҳолатини назорати, конкрементлар мавжудлиги ҳамда жигар тузилиши ва ҳ.к. учун қўшимча ультратовуш текширувлари ўтказилган.

Қон зардобиди витамин Д даражаси 25-ОН Витамин D ИФА (ELISA) тўплами ёрдамида Mindray MR 96A иммунофермент анализаторида ўрганилган. 25-ОН Витамин D ИФА – бу қаттиқ фазали иммунофермент анализ учун тест бўлиб, рақобат боғланиш тамойилига асосланган.

Қин микробиоценози ҳолатини текширувини реал вақтдаги комплекс микдорий полимераза занжирли реакцияси (ПЦР-РВ) ёрдамида «Фемофлор-16» реагенти билан ДТ-96 детектирловчи амплификаторда (ИИЧБ ДНК-Технология) олиб борилди. Ушбу тўплам материал олиш назорати, умумий бактериал массани (УБМ) микдорий аниқлаш, нормофлора (*Lactobacillus spp.*) ва 23 шартли-патоген микроорганизмлар микдорий баҳоси учун улар орасидаги нисбат ва УБМ ни аниқлаш учун реагентлар комплексини ўз ичига олади. Намуналар таҳлили ҳамда маълумотларнинг интерпретациясини ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мос равишда, Савичева А.М. ва бир гуруҳ муаллифлар [Савичева А.М. Кира Е.Ф., Болдырева М.Н., Галкина И.С. Методические рекомендации исследования дисбиотических состояний урогенитального тракта у женщин (ФЕМОФЛОР®) - 2013. <http://www.dna-technology.ru>.] томонидан тавсия қилинган услубий тавсияномалар асосида амалга оширдик.

Натижаларнинг статистик ишлови Pentium-IV персонал компьютерида «Statistica 6.0» дастурий тўплами ёрдамида ўртача арифметик миқдор (M), ўртача арифметик миқдор хатоси (m), Стъудент мезони (t) ва генерал дисперсиялар тенглиги (F –Фишер мезони) ни ҳисоблаш ёрдамида амалга оширилган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида ишончилилик даражаси $P < 0,05$ деб олинди.

Диссертациянинг «**Қоғонок пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилишида ҳомиладорларда кутувчи тактикада септик асоратлар хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда септик асоратлар илк омиллари ўрганилган ва хавфни баҳолаш учун прогностик матрица ишлаб чиқилган.

Ҳомиладорларда сурункали соматик патология структурасида барча текширилганларга нисбатан унинг умумий частотаси 58,8% ни ташкил этган, ҚПТОЭЁ билан темир танқис анемия узвий боғлиқ, у иккинчи гуруҳдаги ҳомиладорларда 2 марта кўпроқ учрайди (1-жадвал).

1-жадвал

Касалликлар структураси

	1 гуруҳ (n=418)		2 гуруҳ (n=92)		P<
	Абс.	%	Абс.	%	
Ҳомиладорликдан олдин кузатилган касалликлари:					
Сурункали тонзиллит	150	35,9±2,4	64	69,6±4,8	0,05
Варикоз касаллиги	63	15,1±1,8	37	40,2±5,1	0,01
Камқонлик енгил ва урта даражаси	209	50,0±2,5	91	98,9±1,1	0,01
Сурункали пиелонефрит	75	17,9±1,9	83	90,2±3,1	0,001
Қалқонсимон без касалликлари	42	10,0±1,5	23	25,0±4,5	0,05
Сурункали колит	84	20,1±2,0	74	80,4±4,1	0,05
Эндометрит	33	7,9±1,4	28	30,4±4,8	0,001
Бачадон бўйни патологияси	105	25,1±2,2	37	40,2±5,1	0,05
Бактериал вагиноз инфекциялари	209	50,0±2,5	74	80,4±4,1	0,05
Ҳомиладорлик пайтида кузатилаган асоратлар:					
Ҳомиладорлик 1 триметрида Ўткир респиратор вирусли инфекциялар	75	17,9±1,9	64	69,6±4,8	0,01
Грипга ўхшаш касалликлар	146	34,9±2,4	83	90,2±3,2	0,05
Сийдик йўллари инфекциялари	146	34,9±2,4	64	69,6±4,8	0,01
Ҳомила ўсишдан орқада қолиш синдроми	21	5,0±1,1	14	15,2±3,7	0,01
Туғма ривожланиш нуқсони	42	10,0±1,5	28	30,4±4,8	0,05
Муддатидан олдин туғруқ хавфи	159	38,0±2,4	74	80,4±4,1	0,05
Токсикоз	121	28,9±2,2	64	69,6±4,8	0,05

Кутувчи тактикада барча беморларга дексаметазон билан ҳар 12 соатда 6 мг дан мушак ичи инъекцияси йўли билан 24 мг курс дозасида ҳомиланинг нафас бузилишлари синдроми (НБС) профилактикаси ўтказилган. НБС

профилактикаси бошланган минимал гестацион ёш- ҳомиладорликнинг 26 ҳафтаси. Қайта курс 2 ҳафта интервал билан ўтказилган. Узоқ муддат токолитик терапия фақат 48 соатга (кортикостероидлар буюрилган муддатда) Т. коринфар ёки нифедепин (тўлғоқ бошланганда т. коринфар 10 мг дан ҳар 15 минутда 1 соат давомида, кейин ҳар 6 соатда 10 мг дан) билан амалга оширилган. Антибиотикопрофилактика Т.эритромицин билан кунига 500 мг дан х 3 маҳал 7 сутка давомида ўтказилди. Туғруқ фаолияти ҳолатида туғруқда – ампициллин, бошида 2 г вена ичига, кейин 1 г вена ичига ҳар 4 соатда ёки туғруққача III гуруҳ цефалоспоринлар ҳар 6-12 соатда.

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда кутувчи тактика жараёнида сувсиз оралик ошиши фонида секин-аста амниотик суюқлик индекси кўрсаткичлари $92,2 \pm 2,9$ мм дан $60,5 \pm 3,5$ мм гача пасаяди. (2-жадвал). Ушбу параметрлар таққослаш гуруҳида назорат миқдорларидан ишончли кам бўлган ($P < 0,05$).

2-жадвал

ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда кутувчи тактикада АСИ қиймати ва йўлдош қалинлиги

Кўрсаткич	Таққослаш гуруҳи, (n=27) M ± m	Асосий гуруҳ			
		Илк маълумотлар (n = 418)		Асоратлар ривожланганда (n = 92)	
		M ± m	P	M ± m	P
Амниотик суюқлик индекси (мм)	121,5±1,3	97,6±1,7	<0,05	62,5±8,1	<0,05
Йўлдош қалинлиги (мм)	30,2±1,2	25,1±1,2	>0,05	22,5±1,3	<0,05

Изоҳ. P – таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ҳисобланган

Кейинчалик ҚПТОЭЁ да асоратлар ривожланиши мустақил предикторларини аниқлаш учун логистик регрессион таҳлил кадамма-кадам танлов билан амалга оширилган. Хавф эҳтимол диапазонини аниқлаш қуйидагича амалга оширилган. Прогностик жадвалда (3-жадвал) ҳар бир омил учун прогностик коэффицент минимал миқдорини (X) топамиз ва йиғиндисини ҳисоблаймиз. Бу катталиқ ушбу патология хавфи бошланғич миқдори ҳисобланади. Бу ҳолатда хавф диапазони 356,6 – 50,5 ораликда бўлади. Демак, ўрганилаётган омиллар мажмуаси таъсири натижасида ҚПТОЭЁ да асоратлар хавфи бўйича интеграл меъёрий кўрсаткичнинг қиймати қанчалик юқори бўлса, ҳомиладор аёлда хавф туғилиши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади ва уни ноқулай башоратлар гуруҳига ажратиш учун асослар шунча кўп бўлади.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда қоғоноқ пардасининг туғруқдан олдин эрта ёрилишида витамин Д ва қин микробиоценозининг ўзаро боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобида ҚПТОЭЁ ривожланишига витамин Д сақланиши роли ўрганилган.

3-жадвал

**ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда септик асоратлар келиб чиқиши
хавфини комплекс баҳолаш прогностик матрицаси**

Хавф омиллари	Омиллар градацияси	(г) асоратларнинг интенсив кўрсаткичи	М, 510 беморга меъёрлаш- тирувчи кўрсаткич	НИК	RR	Х, интеграция- ланган кўрсаткич
Ўтказилган касалликлар						
сурункали тонзиллит	Ха	69,6	42,0	1,7	3,16	5,24
	Йўқ	30,4	58,0	0,5		1,66
варикоз касаллиги	Ха	40,2	19,6	2,1	2,76	5,66
	Йўқ	59,8	80,4	0,7		2,05
анемия	Ха	98,9	58,8	1,7	63,70	107,11
	Йўқ	1,1	41,2	0,0		1,68
сурункали пиелонефрит	Ха	90,2	31,0	2,9	20,55	59,83
	Йўқ	9,8	69,0	0,1		2,91
қалқонсимон без касалликлари	Ха	25,0	12,7	2,0	2,28	4,48
	Йўқ	75,0	87,3	0,9		1,96
сурункали колит	Ха	80,4	31,0	2,6	9,16	23,78
	йўқ	19,6	69,0	0,3		2,60
Тос аъзолари яллиғланиш касалликлари:						
эндометрит	Ха	30,4	12,0	2,5	3,22	8,19
	Йўқ	69,6	88,0	0,8		2,54
бачадон бўйни патологияси	Ха	40,2	27,8	1,4	1,74	2,52
	Йўқ	59,8	72,2	0,8		1,44
бактериал вагиноз инфекциялари	Ха	80,4	55,5	1,4	3,30	4,78
	йўқ	19,6	44,5	0,4		1,45
ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари						
гриппга ўхшаш касалликлар	Ха	90,2	44,9	2,0	11,32	22,74
	йўқ	9,8	55,1	0,2		2,01
сийдик йўллари касалликлари	Ха	69,6	41,2	1,7	3,27	5,52
	йўқ	30,4	58,8	0,5		1,69
ҳомила ўсишдан орқада қолиш синдроми	Ха	15,2	6,9	2,2	2,44	5,40
	йўқ	84,8	93,1	0,9		2,22
туғма ривожланиш нуқсонлари	Ха	30,4	13,7	2,2	2,75	6,10
	йўқ	69,6	86,3	0,8		2,22
муддатидан олдин туғруқ хавфи	Ха	80,4	45,7	1,8	4,89	8,60
	йўқ	19,6	54,3	0,4		1,76
токсикоз	Ха	69,6	36,3	1,9	4,02	7,70
	йўқ	30,4	63,7	0,5		1,92
Ҳомила УТТ:						
амнион суюқлик индекси 100 дан паст	Ха	75,0	25,9	2,9	8,59	24,89
	йўқ	25,0	74,1	0,3		2,90
олдинги сувлар мавжудлиги	Ха	9,8	69,8	7,1	2,39	17,04
	йўқ	90,2	30,2	3,0		7,14
бачадон бўйин узунлиги 3 см дан кам	ха	34,8	12,0	2,9	3,93	11,42
	йўқ	65,2	88,0	0,7		2,91
олдинги қисми чаноқ билан келиши	Ха	19,6	9,2	2,1	2,40	5,09
	йўқ	80,4	90,8	0,9		2,12
олдинги қисми кўндаланг	Ха	9,8	4,3	2,3	2,41	5,45
	йўқ	90,2	95,7	0,9		2,27
Лаборатор маълумотлар						
гемоглобин концентрацияси	100 - 90 г/л	59,8	47,6	1,3	0,40	0,50
	89 г/л дан паст	30,4	9,6	3,2	2,52	1,25
Лейкоцитлар						
9000 дан юқори	Ха	76,1	37,5	0,5	5,31	13,90
	Йўқ	23,9	62,5	2,6	0,19	2,62

Назорат гуруҳини асоратли акушер-гинекологик ва соматик анамнезсиз гестациянинг 37-40 ҳафтаси муддатидаги физиологик туғруқ билан 27 нафар аёл ташкил қилган. Асосий гуруҳни аналогик ёшдаги аёллар ташкил этди (ўртача ёши $28,5 \pm 0,31$).

Витамин Д миқдори таҳлилида ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорлар орасида назорат гуруҳига нисбатан унинг 2,2 марта камайиши аниқланган ($32,3 \pm 0,7$ нг/мл га қарши $14,8 \pm 0,3$ нг/мл; $P < 0,01$). Сифат таҳлилида биз ҚПТОЭЁ да 16 (12,4%) ҳомиладорда витамин Д танқислиги, 106 (82,2%) да - етишмовчилик мавжудлигини аниқладик, витамин Д нормал курсаткичлари ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорда 7 (5,4%) қайд этилган.

Назорат гуруҳида витамин Д етишмовчилиги атиги 2 (7,4%) ҳолатда аниқланган, шу билан бирга бошқа ҳолатларда ушбу кўрсаткич меъёрий кўрсаткичларга етган.

Витамин Д етишмовчилиги ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда кўп ҳолларда қайд қилинган, аммо гестация муддати 30 дан 36+6 ҳафтагача муддатда ҚПТОЭЁ ривожланганда бу фоиз кам бўлган ва 75,5% ни ташкил этган, бу эса ҚПТОЭЁ 30 ҳафтагача бўлган ҳомиладорларга нисбатан 11,3% га кам.

Витамин Д гестация муддати 36+6 бўлганда ҚПТОЭЁ ривожланишига бевосита таъсирга эга бўлган, бу эса бевосита кучли корреляцион боғлиқликни мавжудлигини тасдиқлайди ($r=0,889$).

Барча гуруҳларда ҳомила она қорнидаги ҳолатини стандартлар асосида баҳоланди. Ўтказилган доплерографик текширувлар кўрсатишича, ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда 15,5% (129 дан 20) ҳомила йўлдош киндик тизимида қон айланиш (ХЙКТҚА) 1А даражада бузилиши, 21,7% (129 дан 28) – ХЙКТҚА 1Б даражаси аниқланган. Бунда айтиш жоиз-ки, ҚПТОЭЁ ривожланишида 26-29+6 гестация муддатида ХЙКТҚА бузилиши учраш частотаси гестация муддати 30-36+6 да ҚПТОЭЁ ривожланишига нисбатан юқорироқ бўлган.

Корреляцион таҳлилда ЙСА ривожланиши ҚПТОЭЁ билан ҳомиладорларда қон зардобиди витамин Д миқдори билан бевосита тескари алоқага эгаллиги аниқланган ($r=-0,745$).

Асосий гуруҳдаги беморларда вагинал микрофлора таркибида назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ўзгаришлар аниқланган. Асосий гуруҳда умумий бактериал масса назорат гуруҳига нисбатан Lg_{10} ОБМ дан 13,2% га ошган ($9,3 \pm 1,5$ га қарши мос равишда $8,6 \pm 0,13$). ОБМ энг юқори ошиши $1^{чи}$ кичик гуруҳдаги аёлларда септик асоратлар ривожланиши натижасида кузатилган. Қоғоноқ сувлари туғруқдан олдин кетиши билан ҳомиладор аёлларда Lg_{10} *Lactobacillus* spp. сақланиши назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 36,1% га камайган ($7,2 \pm 0,2$ га қарши мос равишда $4,6 \pm 0,1$). Энг паст кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан септик асоратлар бўлган аёллар гуруҳида кузатилган, у ишончли характерга эга бўлган ($P < 0,01$) ва қин дисбиози ривожланишига мос келган.

Барча облигат анаэроблар сони назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда статистик жихатдан юқори бўлган ($P < 0,05-0,001$), $1^{чи}$ кичик гуруҳда

энг юқори кўрсаткичлар ва 2^{чи} кичик гуруҳдаги маълумотларга нисбатан ишончлилик кўрсаткичлар қайд қилинган ($P < 0,05-0,01$). Анаэроб шартли-патоген микроорганизмлар асосий гуруҳда устунлик қилган ва назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан статистик ишончли кўрсаткичларга эга бўлган ($P < 0,05-0,001$). *Mycoplasma* spp. ва *Ureaplasma* spp. асосий гуруҳдаги ҳомиладорлар орасида назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори кўрсаткичлар кўрсатган ($P < 0,05-0,01$).

Патоген микроорганизмлар *Mycoplasma genitalium* кўринишида асосий кичик гуруҳда ишончли кўпроқ учраган, назорат гуруҳида эса ушбу микроорганизмлар қайд қилинмаган.

Биоценоз кўрсаткичлари таҳлилининг қиёсий таҳлилида асосий гуруҳдаги аёлларда нормобиоциноз назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан 3,1 марта камроқ учраши ўрнилган (90% га нисбатан 28,7%; $p < 0,01$). Асосий кичик гуруҳда дисбиоз ривожланган, улардан ўртача 40,3% да, яққол намоён бўлган 31,0% да бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан ишончли характерда бўлган. Ўртача анаэроб дисбиоз асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан 6,0 марта кўпроқ ўрнатилган (6,7% га қарши 40,3%; $P < 0,001$). Фақат ҳомиладорлар асосий гуруҳида ўртача анаэроб дисбиоз (*Streptococcus* spp. Юқори титрда 12 ҳолат) ва аралаш ўртача дисбиоз (бир беморда *Streptococcus* spp.+ *Gardnerella vaginalis* ва иккинчисида - *Streptococcus* spp.+ *Candida* spp) аниқланган. Кузатув гуруҳида анаэроб дисбаланс аэроб ва аралаш дисбаланс йиғиндиси шаклида 3:1 нисбатда кузатилган.

Анаэроб дисбиоз яққол даражасини қоғоноқ сувларининг эрта кетиши билан 40 (31% аёлда) аниқланган, бу назорат гуруҳидаги 2 нафар беморлардан 4,6 марта юқори (6,7%, $p < 0,05$).

